




Чоршанба

Маҳалла

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда



190~ кун

Бухоро вилояти

ДЕХОЖИДА "МАҲАЛЛА ТҮЙИ"

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллиги, Абдуҳалиқ Фиждувоний таваллудининг 900-йиллиги ҳамда Обод маҳалла йили муносабати билан ақинда Бухоро тумани Работикалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Деҳожид қишлоғида "Маҳалла тўйи" ўтказилди.

"Маҳалла тўйи"ни ўтказишдан анча олдин тайёргарлик ишлари олиб борилади ва қишлоқ ҳудудидаги барча кўчалар ободлаштирилиб, тартибга келтирилади.

Меҳмонларга катта дастурхон ёзилиб, ош тортилади. Кам таъминланган оилавларнинг фарзандлари бўлиши Бехрузжон Тожиёв, Абдумиршод Пулатов, Рафиқжон Қурбоновларнинг суннат тўйлари ўтказилиб, бу оилаларга "Маҳалла" жамғармасининг совғалари топширилади.

Шунингдек, "Маҳалла тўйи"да шу қишлоқда 30 йилдан ортиқ тиббиёт соҳасида меҳнат қилган Фотима Мажидованинг юбилей маросими ҳам ўтказилиб, уни туман ҳокими қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Аёллар ўртасида ўтказилган Республика чемпионатида биринчи ўринни эгаллаган, шу қишлоқда яшовчи Мухайё Жўраевага ҳам 50 минг сўм пул мукофоти ҳудди шу тадбирда топширилади. Мукофоти "Маданият" очик турдаги ҳиссасдорлик жамияти топширди.

"Баркамол авлод" спорт мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган курашчи Нурмурод Астонов, совриндорлар Меҳриддин Солиев ва Муҳаммад Ҳасановларга ҳам совғалар берилди.

Тадбирда "Энг обод қонадон" танловида ғолиб деб ҳисобланган Қўлич Тешев оиласига, "Энг ибратли оила" деб топилган Ҳаким Раҳимов оиласига, "Энг жонқуяр спорт мураббийи" деб эътироф этилган Фатилло Холиқовга ҳамда "Энг моҳир пазаанда" деб ҳисобланган Гулнора Аҳмедовларга қишлоқ фуқаролар йиғинининг фахрий ёриқлари ва совғалари топширилади.

"Маҳалла тўйи"да Деҳожид қишлоғида фаолият кўрсатаятган моҳир зардўз-тикувчи Шаҳзод Болтаева, Ҳурмат Каримова, Майрам Бақоева, миллий либослар тикувчиси Мақсума Шаронова, моҳир пазаанда Г.Аҳмедованинг кийим-кечаклар ва пишириқлар намойишлари ўтказилди.

С.РАҲМАТОВА, Н.РҲИЗОВА

Фаргона вилояти

"ХИРМОН ТҮЛИБ ТҮКИЛДИ ДОН..."



Ушбу йилнинг табиати юртимиз галлакорларига галладан катта хирмон яратиш имконини берди. Ҳозир мамлакатимизда галла ҳосилини йиғиб олиш пайти.

Олтириқ тумани "Повулгон" ширкат хўжалиги галларни ҳозиргача ҳар гектар майдондан 50 центнердан ҳосил олиб улгуришди. Галлазор майдонларининг 50 фоизи лалми ерлар бўлган ҳолда бундай кўрсаткичга эришиш кишини қувонтирмай қўймайди, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, ҳосил мўл, маҳалладошлар кўнгли тўқ бўлди.

Сурада: туман ҳокими биринчи ўринбосари М. Мусаев ва ширкат хўжалиги раиси Ф. Сиддиқов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ОБОД МАҲАЛЛА ТҮЙИ:

- 2 Фарғона маҳаллалари кенгашади
- 3 Нукус юбилей арафасида
- 4 Низомийнинг ўғли етук шоир эди
- Ўқув уқувни оширади
- Дардинг пулмиди қотил!
- Сутга айланган қатик

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 июль кун Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Нидерландия Қироллиги ташқи ишлар вазири Яап де Хуп Схефферни қабул қилди.



СУРАТДА: қабул пайти. А.ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Суҳбат чоғида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, иқтисодиётдаги ўзгаришлар, нодавлат ташкилотларнинг фаолияти учун яратилаётган кенг шартшароит, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид масалалар борасида фикр алмашилди.

Томонлар Ўзбекистонда мазкур йўналишларда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилгани, келажакда бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтириш имкониятлари мавжудлигини таъкидлади.

Учрашувда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террорчилик, миллий айирмачилик, диний экстремизм, уюшган жи-

ноятчилик ва наркотик моддалар контрабанда-сига қарши курашда ЕХХТ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, тезкор ахборот алмасу-

вини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Музокарада, шунингдек, Ўзбекистоннинг Нидерландия билан

ҳамкорлигини ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтир-

ган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Наманган вилояти

Tagbir

МАҲАЛЛАНИНГ БИР КУНИ

Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида Обод маҳалла йили ва Юртимиз му-стақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб "Маҳалланинг бир кун" деб номланган театрлашган тадбирни ўтказиш ҳар шанба-нинг одатий ишига ай-ланди. Ҳафтанинг ҳар шанбаси шаҳардаги Болалар хйбониди бир маҳалла бундай томошалар намойиш этади.

Ўтган шанба кун Халқлар дўстлиги маҳалласи фаоллари шундай томоша намойиш этилар. "Кўча Туркистон" деб номланган сахна асари бош қаҳрамони - Амур Темур ролини мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси С. Турдиматов қойилмақом қилиб ўйнади.

"Маҳалла алпомиллари" номли тадбирда эса, маҳалла спорт иқтисодлари иштирок этилар. Улар сахнада турли спорт турлари бўйича намунали чиқишлар қилишди.

"Улан келди ёр-ёр", "Биз Ватанинг келажакимиз" каби охиргабон куй-қўшиқлар, турли миллат рақслари ҳам йиғин фаоллари фуқаролари иқросида ўз талқинини топти. Улар иқросидаги цирк томошалари ҳам йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. Бундай тадбирлар 30 августгача давом этади.

Жамшид МАТЎКУБОВ.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ. (ЎЗА мухбири Бобур Собиров). Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Нидерландия қироллиги ташқи ишлар вазири Яап де Хуп Схеффер раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Со-дик Сафоев билан учрашди.

Суҳбат чоғида мамлакатимизнинг ЕХХТ ҳамда Нидер-

ландия билан алоқалари самарали кечаётгани, икки ва

кўп томонлама ҳамкорлик тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асослангани мамнуният билан таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХХТ ҳамда Нидерландия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ, шунинг-

дек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу кун ЕХХТ делегацияси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур агентлик раҳбари Элёр Фаниев билан ҳам музокара ўтказди.

Муносабат:

"Оқсоқол ишга тикланди" 16 апрель, "Қонунни қонун уқмаган ўргатади-ми?" 14 май, "Оқсоқол ишга тикланиши шарт!" 2 июль

Мақолаган тўғри хулоса чиқарилди

Газетанинг шу йил 16 апрель сонидида "Оқсоқол ишга тикланди" сарлавҳали мақола эълон қилингандан сўнг, Ш.Рашидов маҳалла фаоллари ҳақиқатдан ҳам ўша кунни йиғилишга ўтказиб, га-зетадаги мақолага ҳис-ҳаяжон билан фикр билдиришган ва йиғилиш қарорини бош муҳаррирга но-розилик хати тариқда йўллашган.

Албатта, баъзан қонунларимизни яхши билмаслик мана шундай ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлади, суднинг одил қарорини ижро эт-масликка эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

2003 йил 24 мартдаги Боёвут ту-манлараро судининг даъвогар собик оқсоқол М.Бўронов тўғрисидаги

қарори, шу йил 28 май кунни Янги-ер шаҳар ҳокимининг 76-Ф-сонли фармойиши билан М.Бўронов ишга тикланди ва ишламай юрган ойлари учун ойлик иш ҳақини тўлаш бўйича алоҳида топшириқ берилди.

Ш.Рашидов номли маҳалла фуқаролар йиғини Кенгашининг 2003 йил 9 июндаги қарорига асосан 2003 йил 11 июнь кунни маҳалла фуқаролар йиғинини қаҳриш тўғрисида ва кун тартибига "Фуқаролар-ни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асо-сан оқсоқолнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш ва янги оқсоқол сайлаш ҳақидаги масала қиритилган.

Фуқаролар йиғинига вакиллар нормаси белгиланиб, ҳар бир кўча-дан вакиллар сайланиб, йиғинда са-ноқ комиссияси тузилиб, йиғин кўпчилигининг талабига асосан очик овоз бериш йўли билан ўтказили-

шига келишилган. Йиғинда ишти-рокчиларнинг талаби билан маҳал-ла оқсоқолини янгитдан сайлаш так-лиф этилган ва муқобиллик асоси-да 3 та номзод кўрсатилган. Ном-зодлар ичидаги амалдаги оқсоқол М.Бўронов ўз хохияшига кўра ном-зодини қайтариб олган. Санок ко-миссияси хулосасига кўра кўпчилик овоз билан Н.Нажмиддинов Ш.Раши-дов номли маҳалла оқсоқолигига сайланган.

Янгиер шаҳар ҳокимлиги бундан буён маҳалла фуқаролар йиғинла-рида юқоридаги ҳолатлар такрорлан-маслиги учун ўз тадбирларини иш-лаб чиқди ва ҳар ҳафтада бир кун маҳаллалардаги фаоллар билан "Ма-ҳалла кунлари" ва ўқувлар ўткази-либ, унда маҳалла тизимига оид Республикамикиз Қонун ва қарорла-рини тушунтириб бориш дастур қилиб олинди.

Вилоят ҳокимлиги ушбу мақола-лардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда келгусида бундай ҳолатларнинг ол-динчи олиш борасида доимий назо-ратни олиб боради, деб "Маҳалла" газетаси тақририятини ишонтиради.

К.ОКБЎТАЕВ, Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари.

Истиқлол шарофати

«ЎзАвтоҚозоғистон» - ҳамкорликнинг янги меваси

Кун кеча Алматы шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳ-барлари саммитида мамлакатларимиз миқтада миқд-сида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасида янгидан-янги имкониятлардан унумли фойдаланягани яна бир бор эътироф этилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Қозоғистонга таш-рифи ва ушбу миқтадаги анжумандаги иштирокини, уму-ман, саммит яқунларини оммавий ахборот воситаларида бри-тиш мақсадида бу ерга келган бир гуруҳ ўзбекистонлик



журналистлар ана шу ҳамкорликнинг амалий натижаларига даярли ҳар қадамда дуч келдик, десак муболага бўлмас.

Алматынинг марказий ва гавжум кўчаларидан бирини юр-тимизда ишлаб чиқариладиган «Нексиа», «Матиз», «Дамас», «Тико» каби машиналаримизни кардошларимизга нафақат кўз-кўз қилаётган, балки харид учун қулай ва кафолатли шарт-шароит яратиб бераётган «ЎзАвтоҚозоғистон» қўшма корхонаси ана шундай ҳамкорлигимизга бир мисол, - иқ-тисодий алоқаларимизнинг мўжиз мевасидир.

Яқинда иш бошлаган ушбу қўшма корхона «Ўзавтосо-ноат» ассоциацияси ва Қозоғистоннинг «Меркур холдинг» компанияси ўртасидаги икки йиллик ўзаро саъй-ҳаракатлар натижаси уларок ташкил этилган. У, асосан, «ЎДЭУавто» қўшма корхонасининг барча русумдаги автомобиллари, шу-нингдек, «Ўзотойол» мидибуслари, яъни кичик автобуслари савдоси билан шугулланади.

Айтиш жоизки, «Меркур холдинг» компанияси дунёнинг «Фольксваген», «Ауди», «Вольво», «Форд» каби номдор фир-малари билан яхши алоқа боғлаган ва Қозоғистон базори-да уларнинг маҳсулотлари савдосини муваффақият билан йўлга қўйган йўлчи дистрибутор, соддароқ айтганда, ўз ишининг кўзини билладиган ташкилот ҳисобланади.

Давому 3-саҳифада

Обуна-2003

Маҳалла



-Яна нима дейди?
-Иккинчи ярим йилликка обуна бошланганди, дейди!
-Биз йиллик обуна бўлганимиз, деб айт!

Болажон, 83 қандай ўтганми?

"СОҲИЛ" СЎЛИМ ДАРГОҲ ЭКАН

Косонсой туманининг "Соҳил" болалар оромгоҳида ҳар йида 600 дан ортиқ болалар дам олишади. Тиник сувли Косонсойнинг қирғоғида жойлашган бу маскан ўзининг сўлим табиати билан болаларни ром этган бўлса, бу ердаги педагог-тарбиячилар уюштирган тад-бирлар туфайли болалар ўз маънавий, маърифий да-ражаларини ҳам оширишмоқда.

Оромгоҳ Ўзбекистон Республикаси Миллий Банки тизимига қараш-ли бўлиб, банкнинг бўлимлари томонидан етарли даражада таъмин-ланган.

-Бу оромгоҳда ўз фуқароларининг дам олишларини истаган ота-оналар қўлаймоқда, - дейди оромгоҳ бошлиғи Абдуфаттоҳ Бозоров. - Шу босидан оромгоҳнинг ҳар уч даярига ҳам яхши ҳозирлик кўрдик. Яқинда болаларимизни учинчи марта чорлайишди.

Бош тарбиячи Валижон Абдуллажонов, бош етакчи Қодиржон Абдураҳимовлар уюштиратган қизиқарли тадбирлар болаларни асло эриктираётгани йўқ.

Наманган вилояти Акбар АБДУЛЛАЕВ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Ташрият манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Агентлигида Телефонлар: 00123-рақам билан рўйхатга олинган. Кабулхона — 136-53-93. Нашр кўрсаткичи: 148. Тел./Факс: — 133-44-25. ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссасдорлик жамияти. Масъул котиб: 136-53-75. Хатлар бўлими: 136-57-62.

Тахририятга келган хат ва мақолалар тахрир қилинмайди ва эъломига қайтарибмайди.

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Тахририят



ЭГИЗАКЛАР

НИЯТИГА ЕТОЛМАДИ

Бир неча кундан буён дунё ахлининг эътибори Сингапурдаги Раффлс шифохонасида бўлди. Бу ерда дунёнинг бир гуруҳ машҳур нейрохирурглари Сиам эгизакларининг бошини бир-бирдан ажратиш учун ноёб ва ўта қалтис операцияни амалга оширишга уринган эди.



Гарчи, бундай операция аввал ҳам қўлланилган бўлса-да, бу нагисси, ҳақиқатдан ҳам, ноёб эди. Чунки, эгизаклар вояга етган қизлар эди.

Эронда дунёга келган Лалех ва Ладан 29 йилдан буён ёнма-ён яшаб келарди. Улар биргаликда Техрон университетини томонлашга муваффақ бўлган. Бирок кейинги вақтда эгизакларни бош оғриғи безовта қила бошлади. Лалех ва Ладан бошини операция қилдириш учун Германияга йўл олди. Аммо немис шифокорлари бундай жавфли операцияга журъат эта олмади.

Мустақил ҳаётга иштиёқ опа-сингилни ўтган йилнинг охирида Сингапурга етаклади. Бу ерда бир йил аввал нейрохирурглар непаллик 11 ойлик эгиз қизларнинг бошини ажратиш операциясини муваффақиятли амалга оширган эди.

Лекин 11 ой билан 29 ёш орасида катта фарқ бор. Эронлик эгизлардаги икки миёнининг қон томирлари умумий эди. Шундай бўлса-да, шифокорлар тавakkal қилишга аҳд қилди.

Шифокорларнинг вазифаси умумий қон томирларни алоҳида-алоҳида ажратиш эди. Операция давомида Ладаннинг қон айланishi бузилиб, миёда қон босими кўтарилиб кетди. Шундан сўнгра унинг аҳоли ёмонлаша бошлади.

20 соат давом этган жаррохлик операцияси Ладан учун фожевали туғди. У кўп қон йўқотди, ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Энди барча умид (операцияни ҳам «Умид» деб номлашди) Лалехдан эди. Бирок орадан бир оз вақт ўтиб, Лалех ҳам ҳаётдан кўз юмди.

Тиббиёт тарихида учрамаган операция ўтган яшанба бошланди. Уни 48 соатда тугатиш мўлжалланган эди. Бирок бир-бирига қўшилиб кетган миёна чақонини ажратишда кўпгина қўлланмаган қийинчиликлар юзага келди. Суякнинг қўшилган жойи фараз қилинганидан анча қалин экан.

Эгизлар операция муваффақиятли ўтишига асло шубҳа қилмаганди. Лалех ва Ладаннинг ҳаётдан умиди катта эди. Ладан ҳужуқшунос, Лалех эса журналист бўлишни орзу қиларди.

ТИЗИМДА ЯНГИ ТАЖРИБА

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида Обод маҳалла йилида қўйилган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида маҳалла кенгашлари тузилди. Ушбу кенгашларнинг ҳар бири таркибига 3-5 та маҳалла ва улар ҳудудида жойлашган ҳўжалик, корхона, ташкилот, муассаса, мулкдор аъзо қилиб киритилган. Уларнинг энг оубуни, катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган раҳбарларидан бири кенгаш раиси этиб сайланган. Жумладан, вилоят бўйича тузилган 287 та маҳалла кенгашининг 4598 та аъзоси бор. Маҳалла кенгашларининг 144 тасини қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари, 35 тасини ширкат ҳўжаликлари, 108 тасини корхона, ташкилот раҳбарлари бошқармоқда.

Вилоятда «Обод маҳалла йили» дастурини бажаришда «Маҳалла кенгашлари» фаолиятларини такомиллаштириш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилиб, босмаҳонада китобчи ҳолида қўлайтирилди ва жойларга тарқатилди. Унда вилоят ҳокимининг «Обод маҳалла йили» дастури, дастурни бажариш ҳақидаги қарори, вилоятнинг шаҳар ва туманларида ташкил этилган «Маҳалла кенгашлари» ҳақидаги маълумот, «Обод маҳалла йили» дастурининг ижросини таъминлаш бўйича «Маҳалла кенгаши»нинг Низоми, Иш режаси берилган. Шунингдек, ушбу китобчадан Фарғона шаҳридаги Шодиёна маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган «Маҳалла кенгаши» аъзоларининг вилоятимиз меҳнат аҳлига Муражаати ўрин олган. Хўш булар қандай самара берапти?

Маҳалла кенгашлари иштини ташкил қилишда Марғилон шаҳрида айниқса яхши тажриба тўпланган. Бу ердаги 54 та маҳалла фуқаролар йиғини 13 та кенгаш таркибига киритилди. Кенгашларнинг ҳар бири тўртта йўналиш бўйича ўзининг Обод маҳалла йилида қиладиган иш режасига эга.

Йўрмадўз кенгашини бошқариш шу маҳалла фуқаролар

- *Кенгаш нима, у қандай бошқарилади?
*Марғилон тажрибаси.
*Кенгашда ҳамфикрлар кўп.
*Ишончини оқламаган биз билан эмас.

МАҲАЛЛА КЕНГАШЛАРИ

Улар самарали фаолият бошлади

Йиғини раисаси Мунаввархон Ғаниева зиммасига юклатилган. Жорий йилнинг ўтган даври ичида ўзи ва ўзгалар учун талабчан раис режадаги ишларнинг ақсарийини бажарилишига эришди. Алишер Навоий номли маҳалла кенгашига шаҳардаги тиббиёт коллежи директори Шавкатжон Эрматов раислик қилди. Унинг бевоасита ташаббуси билан кенгаш ҳудудидаги маҳаллаларда ҳашарлар уюштирилиб, катта ҳажмда ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

«Яйилма» маҳалла кенгаши томонидан «Ёвқочар» маҳалла фуқаролар йиғини учун замонавий беш хонали бино қуриб берилди. «Яйилма» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида футбол майдони ва маҳалла аҳолисининг дам олиш масканини ташкил этиш учун ер майдони ажратилиб, қурилиш иш-

ри амалга оширилмоқда.

«Урда таги» кенгаши томонидан Урда таги маҳалла фуқаролар йиғини биноси кенгайтирилиб таъмирланди ва янги мебеллари, билан жиҳозланди. «Қашқар» маҳалласида «Қирғули» маҳалла фуқаролар йиғини гузарининг охириги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. «Гураввал» маҳалла кенгашидаги «Гураввал» маҳалла фуқаролар йиғини гузариди волейбол ва стол теннис майдончалари ташкил этилиб ишга туширилди. «Иқбол» ва «Тошлоқ тепа» маҳаллалари ҳудудидаги бир километрдан ортиқ йўл тадбиркорлар томонидан асфальт қилинди. «Терак таги», Аҳмад Ясавий номли ва «Ғалатой» маҳаллалари фуқаролар йиғинлари учун маъмурий бино қуриляпти.

Марғилонликларнинг таж-

рибаси шу йил апрел ойида вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, вилоят «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари ҳамкорликда ўтказган вилоят миқёсидаги семинар-кенгашга намуна қилиб кўрсатилди.

Тоғлар орасида жойлашган Сўх туманида 4 та маҳалла кенгаши тузилган. Улар таркибига кирган 22 та маҳалла фуқаролар йиғинида бутунги кунда катта ҳажмда қурилиш ва ободончи-

лик ишлари амалга оширилмоқда. Туман ҳокимлиги кенгашлар олдига Обод маҳалла йилида барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳамма қўлайликларга эга бўлган шинам гузарлар бўлишини таъминлаш вазифасини қўйган.

Дангара туманида 9 та маҳалла кенгаши фаолият кўрсатаяпти. Уларни қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ўзлари бошқармоқда. Айни кунда Кўқон-Тошкент катта йўлининг туманга тегишли қисми икки четида, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари кўзини қувонтиради.

Учқўприк туманида ташкил қилинган маҳалла кенгашлари ҳолий ташкилотлари ва тадбиркорларни кенг жалб этмоқдалар. Йил бошидан буён тад-

бирок Муҳаммадҷон Ҳоҷиқаббаров томонидан икки қаватли Бобошбек маҳалла гузарини, Немағжон Асдуллоев томонидан Олмурод маҳалласида теннис корти, Акрамжон Эва-раев томонидан Катта Кенгас қишлоғида кўприк қурилиб фойдаланишга топширилди. Айни кунда тадбиркор Шерқўзи Мелиқўев, Акрамжон Дабобоевлар томонидан Ғиждон, Шўрқишлоқ маҳаллаларида гузарлар қурилиши давом этапти.

Кўва туманида шу йил 7 та маҳалла гузари қурилиб ишга туширилди. 8,8 километр масофага табиий газ, 3,2 километр масофага тоза ичимлик суви қувурлари ётқизилди, 25 километр маҳалла йўллари асфалтланган.

Маҳалла кенгашлари иши Кўқон шаҳри, Тошлоқ, Олтиарик ва Ўзбекистон туманларида ҳам яхши йўлга қўйилган.

Вилоятимизда ташкил қилинган маҳалла кенгашлари ёш авлоднинг жисмонан бақувват, соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлишлари ҳақида ҳам алоҳида қайғурмоқдалар. Улар ташаббуси билан қўлаб янги-янги спорт иншоотлари қурилиб ишга туширилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида маҳаллалардаги 97 та балалар спорт майдончаси таъмирланди. Маҳаллаларда спортнинг «Алпомиш», «Барчинойлар», «Маҳалла футбол», «Маҳалла паҳлавонлари», «Қураш» каби турлари бўйича мусобақалар қўлаб ўтди. Оилавий спортни кўчаитириш мақсадида вилоятда «Отам, онам ва мен - спортчилар оиласи» спартакиадаси ва

Фарғона вилояти

«Тумарис» уйинлари фестивали ўтказилди. Шаҳар, туманлардаги спорт комплекслари ҳамда уйингоҳларда фаолият кўрсатаётган 32 турдаги спорт секцияларидан 16 ёшгача бўлган 209 минг 600 нафар болалар бепул шуғулланишмоқда.

Маҳалла кенгашлари фуқаролар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шу мақсадда барча кенгашлар қошида тарғибот гуруҳлари тузилган. Улар томонидан вақти-вақти билан турли мавзуларда давра суҳбатлари, савол-жавоб, мунозара кечалари, конференциялар ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов май ойида вилоятимизда бўлган вақтида нафақат далаларда, корхоналарда, балки шаҳар ва қишлоқларимизда қандай ўзгаришлар юз бераётгани, кенг ва равоқ қўчалар, маҳалла гузарлари, гулзорлар барпо этилаётгани, кишиларнинг ўй-жойлари эртанти кунга қанчалик мослаб қурилаётгани, иморатлари қандай гиштан тикланаётгани ва бошқа катан масалалар билан қизиқ танишиш ҳамда қимматли маслаҳатлар бери.

Маҳалла кенгашлари иши билан танишиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, уларнинг ҳаммаси ҳам бирдек яхши фаолият кўрсатмаяпти. Айрим кенгаш раислари ва уларнинг аъзолари билдирилган ишончини оқламаяпти. Шаҳар ва туманларда ўтказилган йилги ишларда уларнинг шу каби камчиликлари кўрсатилиб, уни бартараф этиш чоралари қўриляпти.

Ватан туйғуси

«Ватан» шундай сирли сўзки, у ҳар қандай кишига доврақлик ҳади этиб, турли халқларнинг қаҳрамонларини буюк жасоратлар сари етаклай олган.

ЛУКИАН

ВАТАНГА БОРИНИ ҚУРБОН ҚИЛМОҚ ЛОЗИМ

Мантиқдан хабардор бўлмаган нотик, маконларнинг факатгина жойлашувини, ўрганувчи географ ёҳуд луғат бойлиги кам бўлган тилшунос Ватанини факатгина туғилган жой билан боғлаши мумкин. Аждодларимиз Ватанга бўлган муҳаббатдан олий ва муқаддасроқ туйғунини билмаганлар. Уларнинг фикрича, Ватан учун борини қурбон қилмоқ лозим.

қозосига кўра бирор-бир ўзбек ўзга юртларга бориб қолгудек бўлса, у, албатта юртини кўмсайди ва тезроқ ота-онаси ҳамда биродарлари ёнига етиб олишга ошиқадди.

Хорижда эл-юртидан жудодик азобини тортган бир тўқсон ёшли нуроний мўйсафид «Ватанда туриб икки рақъат намоз ўқиш, ўзим туғилган тупроққа бошни қўйиб сажда қилиш менга насиб этармикан», деган орзуси амалга ошмаслигига ақли етганидан сўнг жон таслим қилиш олдидан «Мени бир баланд жойга дафн этинглайки, Ватанимдан эсан шабада қабримга келиб турса, - деб васият қилган экан.

Жаҳоннинг қайси бир чеккасига бориб қолсангиз, сиздан «Қаердансиз?» деб сўраганлариди фаҳр билан «Ўзбекман!», десангиз, қалбингиз фаҳрга тўлиб тошади. Ўзбек учун, Ўзбекистонлик учун дунёда бундан улғур бахт ва гурур бўлмаса керак. Миллатнинг фаҳри, гурури ва Ватан туйғуси миллий мафкурамизнинг мазмуни ва моҳиятини англаб етишга муҳим ўрин тутади.

Диплоза АКБАРОВА, Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси.

Tagbup

«ЛАТИФГУЗАР»ДА ТИББИЙ КЎРИК

Д.Зокировалар Акмал Икромов номли маҳалланинг муҳташам тадбирлар хонасида маҳалланинг кекса авлодини тиббий кўриқдан ўтказди.

Ушбу хайрли тадбирда олий тоифали умумий амалиёт шифокори А.Файзиёва, ортопед-травматолог О.Жўраев, медицина фанлари номзооди И.Икромов, олий тоифали ревматолог Ш.Маҳмудова, 1-тоифали шифокор М.Ваҳобова, не-

вропатолог И.Мавляев, жарроҳ А.Ялғашев, 2-тоифали кардиолог Ш.Шоисламов, олий тоифали эндекринолог Ш.Маҳмудов, кўз шифокори Ф.Халилова, 1-тоифали шифокор Н.Ибодуллаевалар билан олий тоифали ҳамширалардан С.Маҳмадалиева, М.Турсунхўжаева ва яна 11 нафар ҳамширалар келиб хизмат қилишди. Шу кунга маҳалланинг 92 нафар фуқароси тиббий кўриқдан ўтказилиб,

Маҳалла марказида



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Жиззах вилояти Бахмал туманида яқинда қуриб битказилган Маҳалла фаолларининг самарали фаолият олиб бориши билан бир қаторда аҳолининг ишдан сўнгра ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча қулайликлар мавжуд.

Маҳалла назарияси

ЎҚУВ ВА УНИНГ САМАРАСИ

Ҳаммамизга маълумки, юртимизда маҳалла бора-бора том маънодаги демократия институтига айланади. Бунга шу борада қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар асосий омили бўлади ва маҳаллага ўз атрофидаги инфратузилмани бошқариш, назорат қилиш ва уларнинг хизматини юксак даражага кўтариш имкониятини яратди.

«Обод маҳалла йили» дастурида белгилаб берилган вазифалар жамиятимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалари эркинлаштириш, қисқача айтганда республикамизнинг барча соҳаларида кечаётган ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Шу ўринда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг бир неча йилдан бери маҳалланинг ҳар бир шахс ҳаётидаги ўрнини ўрганиб келаётганини таъкидлаш жоиздир. Мана бир мисол: 8443 фуқародан «Менинг ва оиламнинг ҳаётида маҳалланинг ўрни қандай?» деган саволга 1998 йил 52,4 фоиз жавоб берилган бўлса, 2002 йилда 60,1 фоизга ошди, аксинча, «Ҳеч қандай рол ўйнамайди» деган саволга натижалар 22,8, 12,4 фоизга камайди Таҳлиллардан кўриниб турибдики, маҳалланинг мавқеи йилдан йилга ошмоқда, бу эса масъулиятнинг янада ошишидан далолат беради.

Республика «Маҳалла» жамғармаси, Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти ва бизнинг Марказ ҳамкорликда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва фаолларининг ҳуқуқий билимларини ошириш ўқувларининг йиллик дастури тайёрланиб, чоп этилди ва республика жамғармаси орқали вилоятларга тарқатилди.Мазкур ўқув курсининг машғулотлари бўлиб ўтди. Машғулотлар асосан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти, уларнинг маҳаллий ижроия органлари билан муносабатлари, бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари тўғрисидаги масалалар бағишланмоқда.

Бундай семинарлар ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари Тошкент шаҳрининг барча туман маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари иштирокида ўтказиб боришмоқда. Шу кунга қадар улар «Ижтимоий таъминот соҳасидаги муаммолар ечимини», «Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзини-ўзи бошқариш институтининг ақт этирилиши» ва бошқа мавзуларда ўтказилди.

Бундай ўқувлар вилоятларда ҳам ташкил этиляпти. Жумладан, Андижон шаҳридаги ана шундай махсус курсларда 65 та

маҳалланинг оқсоқоллари ўқимоқда. Янги қабул қилинган қонун ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари томонидан «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг «Ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари» (4-модда), «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари шуғулланадиган макомий аҳамиятга эга масалалари» (10-модда) ҳамда 17-моддаларга ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф лойиҳалари тайёрланади ва Адлия вазирлигига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши Конституциявий билимлар тарғиботида сезиларли бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. Асосан қонунимиз - Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маъно-мазмуну ва моҳиятини маҳаллаларда ўрганиш ва ўргатиш мақсадида ўқувлар ташкил этилди.

Йил давомида ўтказилган энг аҳамиятли тадбирлардан бири «Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловидир.

Юқорида айтганимиздек, маҳалла фаолиятидаги йўналишлардан яна бири вояга етмаганлар билан ишлашдир. Ҳар бир маҳалла фуқаролари йиғини қошида махсус гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси ҳуқуқбузарликка алоқадор ёшларни аниқлаш ва бу йўлдан қайтариш, ижтимоий ҳимоядан ҳеч қандай қолмаслигини таъминлаш, усмирларнинг бўш вақтлари беҳуда ўтмаслигига эришишдир.

Дикқатга сазовор йўналишлардан яна бири маҳаллаларда бепул ҳуқуқий маслаҳатхоналарни ташкил этишдир. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Президентимиз томонидан 2003 йилни Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши нафақат «Маҳалла-давлат таянчи» балки маҳалла фуқаролик жамиятининг ҳам негизи эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Муҳаббат БОБОЖОНОВА, тарих фаилари номзооди.

